

Президент Шавкат Мирзиёев темир йўл соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси йиллар учун режалар тақдими билан танишди.

Тақдимотда 2026-2030 йилларда йўловчи ва юк ташиш ҳажмини камида икки баробарга ошириш учун 151 километр янги темир йўл қуриш, 182 километр йўллари электрлаштириш, 27 та мавжуд станция ва 1 минг километр йўлни модернизация қилиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи тармоқни кенгайтириш борасида 102 километрлик “Навоий – Бухоро” темир йўл линиясини фойдаланишга киритишни жадаллаштириш топширилди.

Йиғилишда “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўл қурилиши бўйича амалий ишларнинг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз мазкур йўлнинг стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, қурилиш ишларининг сифатини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.



№88 (941)
2025 йил 14 ноябрь,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожддин Эшқувватов бошчилигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари, уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда қурилаётган турар жойлар ҳамда давлат дастурлари доирасидаги ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишларининг сифати ва назорати масалалари муҳокама қилинди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, прокуратура ва тегишли ташкилотлар, шунингдек, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Асосий эътибор қурилиш жараёнларида назоратни кучайтириш ва сифатни оширишга қаратилди. Шу билан бирга, ҳар бир объекта

амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда тизимли назоратни йўлга қўйиш муҳимлиги ҳам таъкидланди. Шунингдек, қурувчиларнинг мурожаатлари тингланиб, улар дуч келаётган муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Йиғилиш якунида мутасадди идоралар ва масъул раҳбарларга белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш, назоратни кучайтириш ва амалий натижаларга эришиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, инспекция раҳбари бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасидаги қатор қурилиш объектларининг ҳолати билан танишди.



ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Лойиҳалаш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида “Qishloqqurilishloyiha” давлат муассасаси БИМ дизайнерлари (моделлаштирувчилари) ва сметачилар учун 5 кўнлик ўқув-тренинг ташкил этди. Тренингни Россия Федерациясидан ташриф буюрган “АБС” компанияси директор ўринбосари Иван Воронин олиб борди.



Тренинг БИМ моделини “АБС смета” дастури таркибидagi АБС рекомпозиатори билан интеграция қилишга бағишланди. Ушбу ечим БИМ ахборот моделидан смета маълумотларини автоматлаштирилган тарзда юклаш имконини беради. Бу тизимни амалиётга жорий этиш смета ҳужжатларини тайёрлаш самарадорлигини оширади ва сметачиларнинг иш фаолиятини янги босқичга олиб чиқади. Ўқув жараёни якунида барча иштирокчиларга тренингни муваффақиятли тамомлагани ҳақида сертификатлар топширилди.

Хоразм вилоятида “Шаҳарсозлик фаолиятида инновацион технологияларни қўллаш” мавзусида минтақавий кўргазма-семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда “ЎзГАШКЛИТИ” лойиҳа-қидирув институти ҳамкорлигида ташкил этилиб, соҳа мутахассислари ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари

ни бир майдонга жамлади. Семинарда шаҳарсозлик фаолиятини геоахборот билан таъминлаш, шаҳар инфратузилмасини экологик ва муҳандислик жиҳатдан ривожлантириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда замонавий БИМ тизимлари ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Қурилиш объектларида геодезия ва геологик ишларни бажаришда инновацион ечимлардан фойдаланиш, сифат назоратини кучайтириш, рақамли мониторинг тизимлари ва техник текширувларни тақомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар билдирилди.

Осиё Тараққиёт Банкининг Бозорларни ривожлантириш ва давлат-хўсусий шериклик бошқармаси (ОМДП) томонидан “Давлат-хўсусий шериклик” мавзусида семинар ўтказилди.

Мазкур семинарнинг мақсади – сув таъминоти, оқова ва иссиқлик инфратузилмаси соҳаларида ДХШ механизмларини чуқурроқ тушунтириш, халқаро тажриба асосида лойиҳаларни самарали амалга ошириш бўйича иштирокчилар малакасини оширишдан иборат.

Дастур давомида реал лойиҳалар мисолида ДХШнинг инфратузилмани ривожлантиришдаги ўрни, лойиҳани амалга ошириш жараёни ва бошқарув тамойиллари муҳокама қилинди. Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖ вакиллари, шунингдек бошқа тегишли идоралар мутахассислари иштирок этди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари учун КНАУФ компанияси билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этилди.



Семинарнинг асосий мақсади – Ўзбекистон ҳудудида барпо этилаётган биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, халқаро стандартларга асосланган тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат бўлди. Унда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳамда “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ вакиллари қатнашди. Семинар давомида ёнғинга чидамлик бўйича ўтказилган амалий синовлар натижалари, қурилиш материалларининг техник хусусиятлари ва уларнинг қўлланилиш доиралари таҳлил қилинди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган “Istanbul Teknik Üniversitesi”, “Istanbul Aydın Üniversitesi”, “Kandilli Observatory” ҳамда “Beylikdüzü Disaster Education Center”да сейсмик хавфсизлик соҳасига бағишланган илмий-амалий малака ошириш дастури ўтказилди.



Мазкур малака ошириш дастурида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари ҳам иштирок этди.

Дастур давомида иштирокчилар Туркия Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш, хавф таҳ-

лили, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш, муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш бора-сидаги илғор тажрибалар билан танишдилар. Малака ошириш дастури доирасида делегация аъзолари фукаролик муҳандислиги лаборатория-



лари, фавқулодда вазиятлар таълим марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ва сейсмик ҳимоя тизимлари билан жиҳозланган йирик иншоотлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Шунингдек, “Истанбул лойиҳа лойиҳалаштириш ташкилоти”, “Gürele Nakipoğlu Anadolu Litseyi” ва “Yeditepe Universiteti”да ташкил этилган учрашув ва тақдимотларда иштирок этдилар.

Жиззах шаҳрининг айрим маҳаллаларида жойлашган овқатланиш масканларида оқова сув тармоқларига чиқарилаётган оқова сувларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ҳамда вилоят сув таъминоти ташкилоти мутасаддилари ҳамкорлигида назорат рейд тадбирлари ўтказилди.

Ўрганишлар давомида объектларнинг оқова сув тармоқларига чиқарилаётган сувларидан намуналар олинди. Ушбу намуналарнинг биологик ва кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида вилоят сув таъминоти лаборатория бўлимига юборилди. Шунингдек, объектларнинг ичимлик сув истеъмоли ҳажми ҳамда оқова сув тармоқларига чиқарилаётган сув микдори ўрганилиб, амалдаги экологик ва санитария меъёрларига мувофиқлиги бўйича тегишли таҳлиллар тайёрланди.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Самарқанд шаҳри Мустақиллик маҳалласи Мирзо Ҳусейн кўчаси 5/5-манзилда барпо этилаётган 6 та блокдан иборат 6 қаватли турар жой бинолари қурилиш объектида ўтказилган навбатдаги мониторинг давомида 38 та камчилик аниқланиб, 8 та ёзма кўрсатма берилди.

Хусусан, ёпиқ ишлар далолатномалари тузилмаган, бу эса кейинчалик яширин нуқсонларни аниқлашга имкон бермайди. Муаллифлик назорати журнали юритилмаган, натижада лойиҳа ечимларининг тўғри бажарилиши назоратдан четда қолган. Шаҳарсозлик норма ва қоидалари (ШНҚ 2.07.01-03) талаблари бузилган, яъни тасдиқланган бош режа ва лойиҳа ҳужжатларига амал қилинмаган. Темир-бетон перемичкалар лойиҳа асосида бажарилмаган, бу эса бионинг конструктив мустаҳкамлигига бевоқиф таъсир кўрсатади. Қурилиш ҳудуди тез ёнувчан чиқиндилардан тозаланмаган, техника хавфсизлиги қоидалари бузилган. Аниқланган камчиликлар юзасидан лойиҳачи, техник назоратчи ва ички назорат учун масъул шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, жарима чораси қўлланилди.

Янги уй олишда эҳтиёткорлик зарур!

Сарвар БОБОНАЗАРОВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Юртимизда кўп қаватли турар жойлар қурилиб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи таъминланмоқда. Бироқ айрим ҳолатларда ижтимоий тармоқларда ҳужжатлари бекор қилинган объектлар реклама қилинаётгани ҳам кузатилмоқда.

Ана шундай қурилишлардан бири – Самарқанд туманининг Ўзбеккенти маҳалласидаги “Янги маскан” номли турар жой мажмуасидир. Мазкур объектнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари бекор қилинган. Дастлаб, мазкур лойиҳанинг ҳужжатлари қурилиш ва шаҳарсозлик қоидаларига зид экани аниқланган. Бу ҳолат Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қoшидаги Шаҳарсозлик соҳасидаги низоларни судга қадар кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича идораларо комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, шаҳарсозлик ҳужжатлари бекор қилинган.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини норозилик билдириб, мазкур

масалада судга мурожаат қилган. Натижада, Самарқанд вилоят маъмурий суди апелляция инстанцияси томонидан мазкур масала кўриб чиқилиб, ушбу шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳақиқий эмас, деб топилди. Шунга қарамай, ижтимоий тармоқларда ушбу манзилдаги объект ҳақида ҳали ҳам хонадонларни сотишга қаратилган реклама ва турли эълонлар тарқатилмоқда.

Афсуски, бундай эълон ва рекламаларга ишониш келгусида турли хил сарсонгарчиликларга олиб келиши мумкин! Шу боис, юрдошларимизни ўз ҳақ-хуқуқларини билишга, янги уй сотиб олаётганда шошилмасликка қақирамиз.



Яна бир эслатма. Бугунги кунда қонуний қурилаётган барча турар жой объектларида QR-коди электрон паспорт тизими жорий этилган. Фуқаролар ушбу QR-кодни телефон орқали сканер

қилиб, объект ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумот олишлари мумкин. Агар қурилишда QR-код мавжуд бўлмаса – бу объектнинг ноқонуний бўлиши мумкинлигини билдиради.

Иссиқлик таъминоти тизимлари яхшиланмоқда



Сардорхон СОДИҚҲОНОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Қиш мавсумига тайёргарлик қўриш ва уни беталафот ўтказиш, аҳоли ҳамда ташкилотларга ёқилғи-энергия ресурсларини барқарор етказиб бериш – бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Фарғона вилоятида ҳам электр энергияси ва табиий газни тежаш, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Жорий йилнинг 26 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти раислигида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ма-салалари бўйича йиғилиш ўтказилиб, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўп қаватли уйлар ҳамда ҳудудлардаги қозонхоналар ва коммуникация тармоқларини мавсумга тайёрлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Шунингдек, энергетика тизимида инновацион ва иқтисодий тежамкор технологиялардан фойдаланиш, иситиш ва электр таъминотида бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда аҳолига ҳамда ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик етказиб беришда кўмир ва бошқа муқобил ёқилғи турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда вилоятда жами учта иссиқлик таъминоти корхонаси – “Вилоят иссиқлик манбаи” ИЧДБ, “Қўқон иссиқлик таъминоти” МЧЖ ҳамда “Қирғули иссиқлик манбаи” МЧЖ фаолият юритмоқда.

Ушбу корхоналар тасарруфида 27 та қозонхона ва 282 километр иссиқлик тармоқлари мавжуд. Вилоят бўйича жами 4 120 та кўп қаватли уй (128 898 хонадон) мавжуд бўлиб, уларнинг 551 таси (25 468 хонадон) ҳамда 26 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланади. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини молиялаштириш учун жами 2,87 миллиард сўм бўлган ажратилди. Шунинг 2,5 миллиард сўми маҳаллий бюджет ҳиссасига тўғри келса, 0,371

миллиард сўми иссиқлик таъминоти корхоналари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Ажратилган маб-лавлар доирасида 8 та қозон ҳамда 2,8 километр иссиқлик тармоғи таъмирланди. Бугунги кунда барча режа-лаштирилган таъмирлаш ишлари тўлиқ аякуланди.

Натижада вилоятдаги 136 та кўп қаватли уй ва 6 та ижтимоий соҳа об-ектининг иссиқлик таъминоти сифати-ни яхшилашга эришилди. Шунингдек, мавсумга тайёрланган 18 та қозонхона фаолият бошлашга тўлиқ шай ҳолатга келтирилди. Қиш мавсумини барқарор ва беталафот ўтказиш мақсадида иссиқлик таъминоти корхоналари ху-зурида 10 та автотранспорт воситаси ҳозирланиб, 10 та авария-хизмат брига-даси ташкил этилди. Улар таркибидagi 60 нафар мутахассис, жумладан, 20 на-фар инженер-техник ҳамда 40 нафар электромонтёр, чилангар ва пайванд-чилар узлуқсиз иш режимида хизмат кўрсатишга тайёр ҳолда турибди.

Шу билан бирга, корхоналар то-монидан 700 тонна кўмир, 600 метр захира иссиқлик тармоғи, ҳамда зарур материаллар – электродлар, қора қоғоз, пайвандлаш ускуналари, турли зул-финлар ва бошқа хомашёлар захираси яратилган.

Мутахассисларнинг таъкидлаши-ча, ушбу чора-тадбирлар натижасида Фарғона вилоятидаги иссиқлик таъ-миноти тизимлари 2025/2026 йиллар куз-қиш мавсумида аҳоли ва ижтимо-

ий соҳа объектларини барқарор, мун-тазам ва сифатли иссиқлик билан таъ-минлаш имконини беради. Фарғонада бу йўналишда бир қатор янги лойиҳа-лар амалга оширилмоқда. Жумладан, Туркиялик ҳамкорлар билан бирга-ликда ташкил этилган “Тепло Идеал” корхонасида автомат ва ярим автомат “смарт” қозонлар ишлаб чиқариш йўл-га қўйилган. Корхона таъсисчиси Аб-дугаффор Маъмуровнинг таъкидлаши-ча, ўтган йили 2000 дона иқтисодий тежамкор қозон ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич икки баробарга ошган.

Туркиялик ҳамкор Сердар Абий фикрича, маҳаллий ишлаб чиқарувчи-лар билан ҳамкорлик нафақат иқтисо-дий жиҳатдан самарали, балки эколог-ик хавфсизлиқни ҳам таъминлайди.

– Биз ишлаб чиқараётган қозонлар-да атмосферага зарарли тўтун чиқи-ши бутунлай бартараф этилган, – деди Сердар Абий. – Мақсадимиз – энерг-иятежамкор ва экологик тоза махсу-лот ишлаб чиқариш орқали барқарор ривожланишга ҳисса қўиш.

Тадбиркор Авазбек Эркабоев бош-чилигидаги “Аполлон инжиниринг” корхонасида ҳам замонавий қозонлар билан бир қаторда янги инновацион ғоялар устида иш олиб боришмоқда. Фарғона шаҳридаги яна бир корхо-нада эса чиқиндилар ва хазонлардан “пилета” махсулоти ишлаб чиқариш йўл-га қўйилган. Корхона таъсисчиси Зухриддин Турдалиевнинг сўзларига кўра, полик ҳамкорлар билан бирга-ликда ишлаб чиқарилаётган “акли” қозонларда махсус филтргли ускуналар ўрнатилиб, атмосферага чиқадиган зар-рли чиқиндилар миқдори сезиларли даражада камайтирилган.

– Вилотимизда замонавий, кам-харж, экологик хавфсиз, кўмир ва бош-қа муқобил ёқилғиларга мослашти-рилган қозонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортиб бормоқда, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой ком-мунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Авазбек Мада-минов. – Бу эса, соғлом рақобатни ку-чайтириб, истеъмолчилар учун танлов имкониятини кенгайтиради ҳамда қиш мавсумини тинч ва иссиқ ўтқа-зишга замин яратади. Шу билан бирга, электр, газ, иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти тармоқларини мавсумга тайёрлаш, аҳоли, айниқса, олис ҳудуд-ларга суюлтирилган газ ва кўмир ет-казиб бериш ишлари режалари равишда ташкил этилган.

Шубҳасиз, Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бу каби иннова-цион лойиҳалар нафақат аҳоли турму-ши рақажсини оширади, балки мамла-катимизда муқобил энергия манбала-ридан самарали фойдаланиш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Бухоро қиш мавсумига шайми?

Неъмат ЖУМАЕВ, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси шўъба бошлиғи.

2025-2026 йиллар куз-қиш мавсуми олдидан Бухоро вилоятида ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳолини зарур ресурслар билан узлуқсиз таъминлаш масаласи устувор вазифа этиб белгиланган. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори ҳамда Бухоро вилояти гидрометеорология бошқармасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 86-сонли хулосаси асосида тегишли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқар-маси томонидан шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорлик-да ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда аҳоли яшаш хонадонлари-нинг иситиш тизимларини мав-сумга тўлиқ тайёрлаш ишлари давом этмоқда. 5 ноябрдан бош-лаб Бухоро вилоятининг барча ҳудудларида иситиш мавсуми расман бошланган. Мазкур фао-лият давомидa “Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали, “Бухо-ро худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, “Бухоро сув таъ-миноти” АЖ, “Бухоро иссиқлик таъминоти” МЧЖ ҳамда “Бухоро-энергомарказ” АЖ сингари соҳа корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уларнинг ўзaro ҳамкорлиги натижасида ҳудудда табиий ва су-юлтирилган газ, электр энергияси, иссиқлик, ичимлик суви ҳамда кў-мир махсулотларини етказиб бе-риш тизими барқарор ишламоқда. Шунингдек, иситиш мавсуми дав-рида корхоналарнинг диспетчер-лик хизматларида 24/7 тартиби-да навбатчилик ташкил этилган. Ишга масъулият ва эътибор билан ёндашилаётгани юзага келиши мумкин бўлган носозликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга имкон бермоқда.

Бугунги кунда барча чоралар аҳоли ва ижтимоий соҳа объектла-рини қиш мавсумида тинч, илиқ ва қулай шароитда яшашларини таъ-минлашга йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, вилоятда барқа-рор энергия таъминоти, сифатли коммунал хизматлар ва аҳолининг фаровонлигини таъминлаш – асо-сий мақсадимиздир.

Аҳолининг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Асака туманидаги Арғин маҳалласида бугун бунёдкорлик авжида. Замонавий техника воситалари ёрдами билан “Зарафшон” ва “Янги Арғин” кўчаларида жами 3 километр 639 метр йўл асфальтланмоқда. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси маҳалла аҳолисининг кўп йиллик орзусини рўёбга чиқарди.



– Маҳалладошларнинг ушбу лойиҳадаги иштироки уларнинг на-фақат фаоллиги, балки ҳар бир ишда маслаҳатдош, бирдам эканликлари ифодасидир, – деди Андижон вилоят-и автомобиль йўллари бош бошқар-маси ходими Юлдузхон Маллабоева. – Буни айни пайтда давом этаётган жараёндан ҳам билиш мумкин. Йўл қурилиши давомидa уларнинг ҳар бири имконияти доирасида иштирок этиб, хайрли ишга ўз ҳиссасини қўш-моқда. Кимдир белкуракни олиб, йўл-ни текисласа, бошқаси бир пиёла чой билан курувчиларга далда бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Асакада бошланган бу фидокорона меҳнат бутун вилоят-даги “Ташаббусли бюджет” лойиҳа-сининг амалий самарасини намоён этмоқда. Ҳар бир йўл, ҳар бир объект ортда халқнинг овози, бирдамлиги ва меҳнати муҳассам.

Жорий йилги биринчи мав-сумда Андижон вилояти бўйича 75 та маҳаллада жами 80 та объект қамраб олиди. 283 километр ички йўлни таъмирлаш учун 115 миллиард сўм маблағ ажратилди ва ишлар тўлиқ ба-жарилиб, 110 миллиард 734 миллион

сўмлик натижа билан йўллар фойда-ланишга топширилди. 2025 йилнинг иккинчи мавсумида эса вилоят миқё-сида янада кенг қўламдаги ишлар қўзда тутилган. 379,5 километр ички йўлни таъмирлаш режалаштирилиб, бунинг учун 145 миллиард 106 милли-он сўм маблағ йўналтирилган. Ҳозир-га қадар 177 километр йўл янгиланди, бунинг учун 62 миллиард сўм сарф этилди. Барча жараёнлар “Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хиз-мати” давлат муассасаси томонидан назорат қилинаётгани ишлар сифати-ни таъминламоқда.

Ҳар қандай тараққиёт заминидa инсон меҳнати ва халқ бирдамли-ги муҳассам бўлади. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ана шу ҳамжиҳат-лиқнинг ёрқин ифодаси сифатида ҳудудлар қиёфасини, одамлар кай-фиятини янгилamoқда. Бу жараёнда йўллар фақат асфальт қилинибгина қолмайди, улар орқали инсонларнинг қалблари боғланади, маҳаллаларнинг олиди, нияти бирлашади. Зеро, халқ та-шаббуси билан бошланган бу иш юрт тараққиётининг мустаҳкам пойдево-рига айланмоқда.

Чиқинди хизматларига ўз вақтида тўлов қилмасангиз чироқсиз қоласиз

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари бўйича тўлов интизомини кучайтириш мақсадида янги тартиб жорий этилган.

Унга кўра, ҳар ойнинг 3-санасига қадар қарздор абонентлар тўғриси-даги маълумотлар Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиёт-ни ривожлантириш агентлигининг “Тоза макон” биллинг электрон тизи-мидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг биллинг тизимига узати-лмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 5 ноябрь куни Тошкент шаҳри бўйи-ча чиқинди хизматларидан юза-га келган қарийб 2 миллиард 239 миллион сўм дебитор қарздорлик учун жами 25 минг 121 та абонент “Худудий электр тармоқлари” АЖ-нинг 2100 қисқа рақамидан “СМС” хабарнома орқали огоҳлантирилди. Ушбу огоҳлантириш юборилгандан кейин 5 (беш) кун ичида қарздор-лиқни бартараф этмаган 6 мингта абонентнинг электр энергияси учун тўлов қилиш имкониятига вақтинча чеклов жорий этилди. Айни пайтда Тошкент шаҳри кесимида чиқинди хизматларидан жами 582 миллион сўмдан ортиқ дебитор қарздорлик мавжуд. Мазкур чеклов қарздорлик бартараф этилиши биланoқ дарҳол ечилади.

Маълумот ўрнида: ушбу тартиб 2025 йил 30 июнгача бўлган қарздор-ликларга татбиқ этилмайдди. 2025 йилнинг 1 июлидан чиқинди хизматла-ридан шакллaнган қарздорликлар учун жорий йилнинг 5 ноябридан бошлаб қўлланилмоқда. Санитар тoзалаш корхоналари чиқинди тўловларини ҳи-сoблашда аниқлик ва ҳаққонийлик учун жавобдор ҳисoбланади. Мазкур тар-тиб жорий йилнинг декабрь ойидан бошлаб республиканинг қолган ҳудуд-ларида ҳам жорий этилadi.

Бундан ташқари, Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги Ўзбекис-тонда 2026 йил 1 январдан бошлаб чиқинди хизматлари учун тўловлар жисмоний ва юридик шахслар то-

монидан фақат онлайн тарзда барча электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилишини маълум қил-моқда. Бу каби чора-тадбирлар соҳада аҳолига қулай тўлов тизимини яра-тиш, биллинг ҳисoбларини юриитишда шаффофлиқни таъминлаш ва корруп-цион ҳoлатларнинг олдини олиш мақ-садида амалга ошириляпти.

Бу борада Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги барча санитар тoзалаш корхонала-рига тегишли кўрсатма берилган. Шу ўринда, бу каби чора-тадбирлар Президентнинг 2024 йил 4 январдаги 5-сонли ҳамда 2025 йил 24 мартда-ги 56-сонли фармонларига мувофиқ, республикада маиший чиқиндилар-ни олиб чиқиб кетиш хизмати учун жисмоний ва юридик шахслардан тўловларни қабул қилиш ва абонент-лар ҳисoбини юриитишни фақатгина:

– Агентликнинг “Тоза макон” биллинг тизими;
– электрон тўлов тизимлари;
– ёки интернет алоқаси билан таъминланмаган, худуд марказидан олис масофада жойлашган аҳоли яшаш пунктлари учун истисно та-риқасида тижорат банклари кас-салари, “Ўзбекистон почтаси” АЖ почта бўлимлари орқали амалга оши-рилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Махка-масининг 2025 йил 16 октябрдаги 648-сонли қарорига кўра, қаттиқ маи-ший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хиз-матлар учун ундирилган тўловлар ҳисoбидан санитар тoзалаш корхо-налари, чиқиндиларни қайта юклаш пунктлари, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда экосаноат зоналарида фаолият юри-тувчи тадбиркорлик субъектларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Ни-зомга асосан амалга оширилади.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD RELIABLE-CREDIT” МЧЖнинг 2025 йил 11 ноябрдаги 37-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2025 йил 17 май ва 24 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 16-уй, 14-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	0-2597	Кольцо с бел. кам., погн., 7 кам. нет; серъги с бел. кам. Общим весом 5,44 гр.	3 776 872,60
2.	0-2790	Серъги с черн. кам. погн. Общим весом 3,18 гр.	1 411 963,66
3.	0-2865	Кольцо с бел. кам. Общим весом 2,49 гр.	1 943 621,60
4.	0-2899	Кольцо с бел. кам., 1-го кам. нет; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 4,78 гр.	2 884 763,84
5.	0-3051	Серъги с бел. кам. погн. Общим весом 4,61 гр.	3 105 929,60
6.	0-3072	Кольцо; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 4,99 гр.	4 133 402,60
7.	1-182	Цепь погн.; серъги с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 17,92 гр.	14 602 052,60
8.	0-3116	Браслет. Общим весом 8,91 гр.	9 178 352,60
9.	0-3119	Цепь слом. Общим весом 30,36 гр.	24 631 352,60
10.	0-3167	Цепь. Общим весом 10,10 гр.	8 572 352,60
11.	0-3179	Серъги. Общим весом 3,35 гр.	2 145 689,27
12.	0-3196	Кольцо погн. тресн.; кольцо с гол. кам. погн. Общим весом 4,93 гр.	4 254 602,60
13.	0-3202	Кольцо с бел. кам. Общим весом 4,46 гр.	3 118 352,60
14.	0-3294	Серъги с бел. кам., погн. Общим весом 6,84 гр.	6 042 302,60
15.	0-3302	Кольцо с бел. и черн. кам. Общим весом 1,26 гр.	1 179 152,60
16.	0-3306	Серъги с бел. и зел. кам., погн. Общим весом 7,57 гр.	5 421 152,60
17.	0-3313	Кулон с бел. кам. паян. Общим весом 2,71 гр.	2 076 593,15
18.	0-3401	Серъги с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. Общим весом 5,19 гр.	4 158 454,64
19.	0-3436	Браслет с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 3,07 гр.	2 754 752,60
20.	0-3458	Кольцо с бел. кам. Общим весом 0,96 гр.	845 852,60
21.	0-3512	Кольцо с брил. оскол. Общим весом 5,44 гр.	4 296 210,56
22.	0-3581	Кулон; цепь слом. фраг. отсут.; кольцо; цепь слом. фраг. отсут.; кулон с зел. кам. Общим весом 8,58 гр.	7 966 352,60
23.	0-3603	Кольцо с бел. кам. погн.; серъги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 7,03 гр.	5 919 559,32
24.	0-3622	Серъги; кольцо. Общим весом 10,87 гр.	8 728 487,61
25.	0-3663	Кольцо с бел. кам, 1-го кам. нет. Общим весом 3,07 гр.	2 512 352,60
26.	0-3679	Кольцо с бел. кам.; серъги с бел. кам. двух кам. нет деформ. Общим весом 5,17 гр.	4 815 152,60
27.	0-3729	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 1,59 гр.	1 527 602,60
28.	1-274	Колье с бел. кам. погн.; серъги погн.; серъги с бел. кам. погн. Общим весом 5,47 гр.	5 087 852,60

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
29.	0-3761	Кольцо деформ.; серъги. Общим весом 5,69 гр.	4 011 099,68
30.	0-3797	Серъги с бел. кам.; серъги с бел. кам.; кольцо с бел. кам., деформ., сломн., фраг. отсут. Общим весом 7,25 гр.	6 276 669,06
31.	0-3816	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,62 гр.	2 512 352,60
32.	1-307	Серъги с бел. кам. Общим весом 5,35 гр.	4 996 952,60
33.	0-3895	Кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет погн. Общим весом 2,75 гр.	2 603 252,60
34.	0-3905	Кольцо с роз. кам. деформ. Общим весом 3,02 гр.	2 815 352,60
35.	0-3955	Серъги с бел. кам. Общим весом 5,98 гр.	5 173 702,60
36.	0-4029	Кольцо; кольцо. Общим весом 4,66 гр.	4 330 352,60
37.	0-4044	Браслет. Общим весом 12,69 гр.	11 723 552,60
38.	0-4105	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,22 гр.	3 027 452,60
39.	0-4114	Кольцо; серъги. Общим весом 11,84 гр.	10 935 752,60
40.	0-2497	Серъги с бел. кам.; серъги с бел. кам. Общим весом 6,64 гр.	4 743 512,02
41.	0-3172	Браслет дефор.; кольцо. Общим весом 5,16 гр.	4 426 802,60
42.	0-3758	Кольцо. Общим весом 1,60 гр.	1 445 379,16
43.	0-3866	Браслет тресн. погн.; кольцо с красн. кам. тресн. погн. Общим весом 25,17 гр.	19 988 607,88
44.	0-3964	Серъги с бел. кам. Общим весом 3,03 гр.	2 530 022,60
45.	0-72	Цепь+кулон с бел. кам. Общим весом 9,89 гр.	8 431 452,59
46.	0-97	Кулон с бел. кам.; цепь; кулон с бел. кам. Общим весом 5,00 гр.	4 148 042,59
47.	0-124	Кольцо с красн. кам. Общим весом 6,75 гр.	6 153 902,59
48.	0-133	Серъги; кольцо. Общим весом 3,63 гр.	3 426 902,59
49.	0-185	Серъги с бел. и зел. кам. погн.; цепь. Общим весом 9,67 гр.	4 885 175,60
50.	0-287	Кольцо погн. Общим весом 1,84 гр.	1 805 852,59
51.	0-321	Цепь. Общим весом 21,31 гр.	25 591 352,59
52.	0-336	Цепь погн. Общим весом 24,12 гр.	16 057 452,44
53.	0-344	Кольцо с брил. 3 мм. Общим весом 3,29 гр.	4 032 902,59
54.	0-410	Браслет с бел. кам. Общим весом 3,91 гр.	3 477 402,59
55.	0-416	Цепь. Общим весом 9,39 гр.	8 187 016,07
56.	0-417	Серъги. Общим весом 3,01 гр.	2 270 924,87
57.	0-442	Кольцо с красн. кам. деформ. паян.; кольцо с бел. погн. Общим весом 7,20 гр.	6 158 029,15
58.	1-125	Кольцо погн. (1 шар нет). Общим весом 3,14 гр.	1 109 960,07
59.	0-547	Серъги погн.; кольцо. Общим весом 5,96 гр.	5 866 052,59
60.	0-563	Цепь. Общим весом 6,64 гр.	6 532 652,59
61.	0-584	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,82 гр.	1 911 902,59
62.	1-134	Цепь с подвеской погн. Общим весом 1,85 гр.	1 911 902,59
63.	0-609	Кольцо; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо. Общим весом 6,63 гр.	6 729 602,59

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
64.	0-702	Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 6,92 гр.	6 231 799,85
65.	0-743	Серъги с бел. кам. Общим весом 0,81 гр.	896 852,59
66.	0-751	Серъги с бел. и зел. кам. Общим весом 3,92 гр.	4 002 602,59
67.	0-753	Серъги. Общим весом 1,76 гр.	2 320 952,59
68.	0-768	Браслет погн.; кольцо с наклад. 375 вес – 1,50 погн.; кольцо с бел. кам. сломн. фраг. отсут. Общим весом 7,78 гр.	7 749 059,75
69.	0-771	Кольцо. Общим весом 4,92 гр.	4 697 563,39
70.	0-799	Серъши с зел. кам. погн. Общим весом 3,40 гр.	3 487 502,59
71.	0-809	Цепь+кулон. Общим весом 4,89 гр.	7 017 452,59
72.	0-814	Серъги. Общим весом 3,97 гр.	3 369 332,59
73.	0-861	Колье с бел. и роз. кам. слом. фраг. отсут.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 11,74 гр.	11 835 152,59
74.	0-880	Кольцо с биркой. Общим весом 4,13 гр.	3 245 102,59
75.	0-911	Браслет. Общим весом 17,03 гр.	15 243 902,59
76.	1-219	Серъги погн.; кольцо с бел. кам. (2 кам. нет), погн. Общим весом 5,89 гр.	6 305 402,59
77.	0-977	Кольцо. Общим весом 2,57 гр.	2 820 902,59
78.	0-981	Браслет с бел. кам. с мет. наклад. погн.; цепь погн.; кольцо с бел. и фиол. кам.; кулон. Общим весом 19,55 гр.	20 697 902,59
79.	0-982	Кольцо с крас. кам. Общим весом 2,79 гр.	2 578 502,59
80.	0-1036	Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; браслет; серъги с бел. кам. Общим весом 12,40 гр.	13 425 902,59
81.	0-1059	Серъги с бел. кам. Общим весом 1,84 гр.	2 063 402,59
82.	0-1071	Кольцо погн. Общим весом 1,05 гр.	821 102,59
83.	0-1120	Кольцо; кольцо погн. Общим весом 4,87 гр.	5 547 902,59
84.	0-1177	Серъги с бел. кам. Общим весом 3,00 гр.	3 123 902,59
Жами бошланғич баҳоси			484 802 637,93

Аукцион савдолар 2025 йил 16 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладди. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2025 йил 12 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2025 йил 16 декабрь куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2025 йил 30 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладди. Тақрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо қолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD AVANGARD-KREDIT” МЧЖнинг 2025 йил 12 ноябрдаги 84-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 10 декабрь ва 2025 йил 7 февраль, 6, 8 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	4546	Цепь, о.в. 10,82 гр., ч.в. 10,82 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,23 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 2,19 гр., ч.в. 2,19 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,20 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 5,18 гр., ч.в. 5,18 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,32 гр., ч.в. 2,32 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 3,57 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 4,39 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр.	22 222 589,82
2.	4653	Браслет, о.в. 6,44 гр., ч.в. 6,44 гр., 750 пр.	3 891 089,82
3.	868	Серъги, о.в. 5,11 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.	3 360 839,81
4.	1952	Цепь, о.в. 4,44 гр., ч.в. 4,44 гр., 585 пр.	3 285 089,81
5.	1201	Цепь, о.в. 4,59 гр., ч.в. 4,59 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 1,31 гр., ч.в. 1,31 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,45 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,52 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 0,82 гр., ч.в. 0,82 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 5,43 гр., ч.в. 5,43 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,34 гр., ч.в. 2,34 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,51 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр.	12 204 924,44
6.	1268	Серъги, о.в. 1,45 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,16 гр., ч.в. 2,16 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 1,43 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,68 гр., ч.в. 2,68 гр., 585 пр.	4 784 454,44
7.	1405	Кольцо, о.в. 4,36 гр., ч.в. 4,36 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,06 гр., ч.в. 2,06 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 5,54 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.	7 220 574,44
8.	1701	Кулон, о.в. 7,10 гр., ч.в. 6,80 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 13,70 гр., ч.в. 13,70 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,78 гр., ч.в. 2,78 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 6,93 гр., ч.в. 6,93 гр., 750/585 пр.; кольцо, о.в. 4,20 гр., ч.в. 4,20 гр., 750/585 пр.	25 839 924,44

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
9.	1960	Серъги, о.в. 4,94 гр., ч.в. 4,60 гр., 585 пр.	3 145 285,04
10.	2031	Цепь, о.в. 3,10 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 14,68 гр., ч.в. 14,68 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 9,18 гр., ч.в. 9,18 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 6,76 гр., ч.в. 6,40 гр., 585 пр.	21 281 289,44
11.	2415	Кольцо, о.в. 5,05 гр., ч.в. 5,05 гр., 585 пр.	3 948 174,44
12.	2485	Кольцо, о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,37 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 3,96 гр., ч.в. 3,96 гр., 585 пр.	4 491 816,44
13.	2626	Браслет, о.в. 5,04 гр., ч.в. 5,04 гр., 585 пр.	3 351 324,44
14.	2660	Серъги, о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр.	2 078 724,44
15.	2893	Кулон, о.в. 0,53 гр., ч.в. 0,53 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,65 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,42 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 4,04 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.	6 603 120,44
16.	3191	Цепь, о.в. 29,67 гр., ч.в. 29,67 гр., 585 пр.	22 325 184,44
17.	3208	Кольцо, о.в. 3,68 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,13 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.	3 669 474,44
18.	3284	Серъги, о.в. 6,27 гр., ч.в. 6,27 гр., 750/585 пр.	6 472 224,44
19.	3321	Браслет, о.в. 6,39 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр.	4 502 724,44
20.	3395	Серъги, о.в. 3,61 гр., ч.в. 2,36 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 3,91 гр., ч.в. 3,91 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,06 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.	5 785 491,71
21.	3508	Серъги, о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.	1 624 224,45
22.	3520	Кольцо, о.в. 4,73 гр., ч.в. 4,73 гр., 585 пр.	3 139 224,45
23.	3540	Кольцо, о.в. 1,77 гр., ч.в. 1,77 гр., 585 пр.	1 518 174,45
24.	3712	Серъги, о.в. 2,08 гр., ч.в. 2,08 гр., 585 пр.	1 775 724,45
25.	3717	Кольцо, о.в. 1,78 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.	1 321 224,45
26.	3738	Браслет, о.в. 4,05 гр., ч.в. 4,05 гр., 375 пр.	2 230 224,45
27.	3798	Кулон, о.в. 9,50 гр., ч.в. 9,50 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 5,34 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр.	11 623 224,45

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
28.	3806	Кольцо, о.в. 1,22 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр.	1 018 224,45
29.	3853	Серъги, о.в. 1,01 гр., ч.в. 1,01 гр., 585 пр.	821 274,45
30.	3889	Кольцо, о.в. 3,00 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.	1 434 243,45
31.	3935	Колье, о.в. 22,33 гр., ч.в. 22,33 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 12,14 гр., ч.в. 12,14 гр., 585 пр.	23 606 874,45
32.	3991	Колье, о.в. 8,65 гр., ч.в. 8,65 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 12,49 гр., ч.в. 11,00 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 4,55 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серъги, о.в. 4,56 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр.	21 319 224,45
33.	4090	Кольцо, о.в. 4,30 гр., ч.в. 3,80 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 4,52 гр., ч.в. 4,00 гр., 585/500 пр.; серъги, о.в. 5,18 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 4,55 гр., ч.в. 4,55 гр., 585 пр.	12 229 224,45
34.	4131	Цепь, о.в. 30,98 гр., ч.в. 30,98 гр., 585 пр.	27 833 724,45
Жами бошланғич баҳоси			281 959 132,47

Аукцион савдолар 2025 йил 18 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладди. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2025 йил 16 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2025 йил 18 декабрь куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2025 йил 31 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладди. Тақрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо қолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.



Dr. Chidem TURKYILMAZ, Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti rektori.

28-oktabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasining navbatdagi majlisida Oliy ta’limga oid malakalarni tan olish to‘g‘risidagi global konvensiyani ratifikatsiya qilish ma’qullandi.

Bugungi kunda oliy ta’lim malakatlarning raqobatbardoshligini shakllantirish, bilimga asoslangan iqtisodiyotni rivojlantirish hamda davlatning global ilmiy hamjamiyatdagi mavqeini mustahkamlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega. O‘zbekistonning so‘nggi yillardagi keng ko‘lamli va dadil islohotlari mamlakatning xalqaro akademik makonda yanada faol, nu-fuzil va integratsiyalashgan ishtirokchi bo‘lishga intilayotganini yaqqol ko‘rsatadi.

Shu ma’noda, Oliy ta’lim bo‘yicha malakalarni tan olishga doir Global Konvensiyaga qo‘shilish – bu faqat yuridik integratsiya emas, balki mamlakat kelajagiga qaratilgan strategik sarmoyadir. Konvensiya akademik malakalarning davlatlararo tan olinishi uchun umumiy tamoyillarni bel-

Global ta’lim makonida O‘zbekiston: YANGI BOSQICH SARI DADIL QADAM

standartlarini yuksaltirish, xalqaro e’tirof, akkreditatsiya va ilmiy hamkorliklarni kengaytirishga undaydi.

Bundan tashqari, xalqaro akademik almashinuvning kengayishi universitetlarimizda intellektual muhitni boyitadi, innovatsiya va tadbirkorlikni rivojlantiradi hamda O‘zbekistonning bilimga asoslangan raqobatbardosh iqtisodiyotga o‘tish jarayonini qo‘llab-quvvatlaydi. Konvensiya oliy ta’limni modernizatsiya qilish, xalqaro hamkorlikni kengaytirish va global raqobatbardosh kadrlar tayyorlash bo‘yicha milliy strategiyamizga to‘liq mos keladi.

Xulosa qilib aytganda, ushbu Konvensiyada ishtirok etish O‘zbekiston uchun muhim strategik imkoniyatdir. U inson kapitalini rivojlantirish, xalqaro ilmiy-akademik hamkorlikni chuqurlashtirish, dunyodagi ta’lim makonida mamlakatimizning mavqeini mustahkamlash hamda globallashtirish olamda samarali faoliyat yuritga oladigan yangi avlodni tayyorlashga xizmat qiladi. Ushbu mexanizmga faol ishtirokimiz – mamlakatimizning zamonaviy va raqobatbardosh oliy ta’lim ektizimini barpo etishda muhim qadamdir.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 14 – 17 ноябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Шаҳноза Набиева**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси “Шимолӣ” филиали етакчи муҳандиси **Махсуд Холмуратов**, “Навоий” вилояти филиали раҳбари **Жамшид Рустамов**,

“Ўзогирсаноатлоийҳа” АЖ ССИКС етакчи мутахассиси **Юрий Рубченко**, АСС-1 етакчи муҳандиси **Марҳамат Рўзиева**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ “Навоий” филиали раҳбари **Ойбек Очилов**, Шаҳар-созлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Улугбек Тошматов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги “Qong‘irat Uy-Jay Xizmet” МЧЖ бош директори **Бахыт Джуманиязова**, Бухоро вилояти Олот туманидаги “Отабек Ойдина Равнақи” БСК МЧЖ бош директори **Элбек Ўринов**, Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Kamgopbek Finans Stry” БСК МЧЖ бош директори **Шахло Қўшназарова**, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Комила Гранд Хоусе” БСК МЧЖ бош директори **Муқаддас Сарибоева**, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги “Dunyo Ta’mir-Servis Boshqartuv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Нодир Саг‘таров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Андижон вилояти Балиқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Ботиржон Умаров**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцисы бош инспектори **Жамшид Сулаймонов**,

Қашқадарё вилояти Муборак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Шокир Бўронов**, Шаҳрисабз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Фаррух Саидов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Журъатбек Бобожонов**, “Иссиқлик манбаи” ДУК Сурхондарё вилояти филиали бош муҳандиси **Карим Мирсангинов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги “Qong‘irat Uy-Jay Xizmet” МЧЖ бош директори **Бахыт Джуманиязова**, Бухоро вилояти Олот туманидаги “Отабек Ойдина Равнақи” БСК МЧЖ бош директори **Элбек Ўринов**, Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Kamgopbek Finans Stry” БСК МЧЖ бош директори **Шахло Қўшназарова**, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Комила Гранд Хоусе” БСК МЧЖ бош директори **Муқаддас Сарибоева**, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги “Dunyo Ta’mir-Servis Boshqartuv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Нодир Саг‘таров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ СОЛНОМАСИ

Тошкент метросининг “Чилонзор” биринчи йўналиши 1977 йилда ишга туширилиб, унинг узунлиги 12,2 километр, бекатлари сони 9 та бўлган.

“ЧИЛОНЗОР” ЙЎНАЛИШИ:

- 1977 йил 6 ноябрда “Олмазор” бекатидан “Амир Тему́р хиббони” бекатигача бўлган биринчи босқич фойдаланишга топширилди;
- 1980 йил августда узунлиги 4,2 километр бўлган “Амир Тему́р хиббони”дан “Буюк Ипак йўли”гача бўлган 3 та бекат ишга туширилди.

Йўналишнинг умумий узунлиги 16,3 километр ва 12 та бекатдан иборат.

“ЎЗБЕКИСТОН” ЙЎНАЛИШИ:

- 1984 йил 26 ноябрда “Алишер Навоий”дан “Тошкент” бекатигача бўлган узунлиги 5,6 километрдан иборат 5 та бекат фойдаланишга топширилди;
- 1987 йилда узунлиги 3,2 километрдан иборат “Тошкент” бекатидан “Дўстлик” бекатигача, 1989 йилда узунлиги 2,2 километрли “Алишер Навоий” бекатидан “Чорсу” бекатигача, 1991 йил апрель ойида 3,2 километр узунликдаги “Чорсу” бекатидан “Беруний” бекатигача бўлган бекатлар қўшилди. Умумий узунлиги 14,2 километр бўлган “Ўзбекистон” йўналиши 11 та бекат ва “Ўзбекистон” электр депосини ўз ичига олади.

“ЮНУСОБОД” ЙЎНАЛИШИ:

- 2001 йил 26 октябрда “Минг’ўрик” бекатидан “Шахрисабз” бекатигача бўлган 1-босқич очилди (6 та бекат, 7,15 километр);
- 2020 йил август ойида “Туркистон” ва “Юнусобод” бекатлари фойдаланишга топширилди (умумий узунлик 9,5 километр, ушбу йўналишдаги жами бекатлар сони 8 тага етди).

“СЕРГЕЛИ” ВА ҲАЛҚА ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- 2020 йил август ойида ер усти ҳалқа йўли йўналишининг 1-босқичи – 11,5 километр узунликдаги 7 та бекат фойдаланишга топширилди.

Васила ЭГАМБЕРДИЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Яқинда Тошкент метрополитенининг биринчи йўналиши фойдаланишга топширилганига 48 йил тўлди. Бу сана нафақат пойтахт, балки бутун Марказий Осиё учун тарихий аҳамиятга эга.



Метрополитен қуриш жуда катта маблағ талаб қиладиган, мураккаб ва инновацион жараёнлир. Аҳолиси зич, ер остида муҳандислик коммуникациялари ривожланган шаҳарларда бундай қурилишни амалга ошириш осон эмас. Қолаверса, Тошкент шаҳрининг юқори сейсмик фаоллиги, тупроқларнинг чуқуш хусусияти ва иссиқ иқлими бу йирик лойиҳани амалга оширишни янада мураккаблаштирган.

Метрополитенга эга бўлиш собиқ Иттифок республикалари учун нуфузли ҳисобланган. Шу боис, марказлашган режали тизимда лойиҳалаш ва қурилишнинг бошлангич учун рухсат олиш жуда оғир жараён эди. Уша вақтда Марказий

Осиёда ягона бўлган метро қурилиши 1972 йилнинг июль ойида бошланиб, юзлаб меҳнат жамоаларини Ўзбекистонда бирлаштирган. Минглаб муҳандислар, қурувчилар, архитекторлар меҳнати билан пойтахт аҳолиси учун замонавий ҳамда хавфсиз транспорт тизими яратилди.

Метрополитен қурилиши бошида-ноқ минтақанинг юқори сейсмик фаоллиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, иншоотлар MSK-64 шкаласи бўйича 9 баллгача бўлган зилзилаларга чидамли қилиб лойиҳалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 ноябрдаги



“Тошкент метрополитенининг Сергели линиясини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”- ги ПҚ-2664-сонли қарорига мувофиқ, 2020 йил декабрь ойида 7 километр узунликдаги Янги Сергели метро йўлининг 5 та бекати қурилди. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида, шу йили умумий узунлиги 21,4 километр бўлган 14 та янги метро йўналиши ва бекатлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ер усти ҳалқа йўлининг 2-босқичи 2023 йилнинг апрель ойидан Қўйликдан Қурувчилар даҳасига қалар 5 та бекат ҳам йўловчиларга ўз эшикларини очди. Шу билан биргалик-

да, бу бекатларнинг давоми сифатида барпо этилаётган яна 2 та метро бекати ҳам қурилиш ишлари якунланиб, уларнинг сони 50 тага етказилди.

Ҳозирги кунда Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 70 километрдан ортиқ.

48 йиллик тарих – бу нафақат саналар рўйхати, балки минглаб муҳандислар, қурувчилар ва архитекторларнинг меҳнати, фидойилиги ва миллат ифтихоридир. Тошкент метрополитени бугун ҳам аввало юксак маданият, замонавий муҳандислик ва давлат тараққиёти рамзи сифатида кадрланмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов, (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маккамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзТАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: 71-241-01-29 (кабулхона), 71-241-01-43 (таҳририят), 71-241-01-29 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 1141.
1738 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни – Топширилди – 21.15.